# ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ

## 1. Хизмат номи  (паспорт) Улгуржисавдо корхоналар уюшмаси

### 1.1. Хизматнинг номланиши (Фуқароларнинг мурожаатлари)

Бу хизмат орқали фуқароларнинг мурожаатлари алоқа бўлими, факс, шахсан ва электрон почта орқали қабул қилинади.

### 1.2. Хизматлар натижаси

Уюшма фаолиятига оид қизиқтирган саволлар ҳамда бошқа турдаги мурожаатлар алоқа бўлими, факс, шахсан ва электрон почта орқали қабул қилинади, масалан:

*Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фуқаро тўғридан-тўғри алоқа бўлими (шахсан, факс, электрон почта) орқали қизиқтирган саволини ёки мурожаатини юбориши мумкин*

### 1.3. Давлат бошқарув органи, хизматни тақдим этиш жойи ва мурожаатларни қабул қилиш.

-"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг расмий электрон почта орқали;
-факс орқали;
-алоқа бўлими орқали;
-шахсан келиб топшириши мумкин.

"Фуқароларнинг мурожаатлари" номли хизмат Уюшманинг веб-сайти орқали интерактив давлат хизмати сифатида тақдим этилиши режалаштирилган. Уюшма номига келиб тушган мурожаат белгиланган муддатларда масъул ходимга етказилади. Масъул ходим томонидан тегишли жавоб тайёрланади,масалан:

*Уюшмага фуқародан мурожаат келиб тушди. Мурожаатга асосан "..." ташкилотида байрам муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотлари ярмарка савдосини ташкил этишда амалий ёрдам сўралган. Ҳужжат рўйхатдан ўтказилади ва ижрочига етказилади. Ижрочи томонидан (агар мурожаатда аниқ сана кўрсатилмаган бўлса) амалдаги қонунчилик асосида 15 кун муддатда муаллифга жавоб хати йўллайди.*

### 1.4. Ҳуқуқий асослар

Давлат хизматини ишлаб чиқишга асос бўлган ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йил 446-II-сонли **"Фуқаролар мурожаатлари"** тўғрисидаги Қонуни, "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг 12.08.2011 йил **"Фуқаролар билан ишлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари"** тўғрисидаги буйрук.

### 1.5.Хизматдан фойдаланувчилар

Давлат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга фуқаролар;
-юридик шахс
-жисмоний шахс
-тадбиркорлар
-давлат органи ходими

*Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Қонунга асосан давлат хизмати амалга оширилади.*

## 1.6. Топшириқларни бажариш муддати

Фуқаро томонидан юборилган мурожаат (аниқ муддат кўрсатилмаган бўлса) белгиланган тартибда амалдаги қонунчиликка асосан келиб тушган кундан бошлаб 1 ой муддатда, қўшимча ўрганишни талаб қилмайдиганлари эса, 15 кун муддатда кўриб чиқилади.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатини ўз вақтида ижроси таъминланмаган ҳолларда, Бошқарув йиғилишида муҳокама этилади ва масъул ходимга интизомий чора кўрилади.

## 1.7. Ижро муддати

Мурожаатда аниқ муддат кўрсатиб ўтилган бўлса ушбу муддатга қадар ижроси тўғрисида маълумот юборилади.
Агарда аниқ вақт кўрсатиб ўтилмаган бўлса топшириқ муҳимлигига қараб 3 иш куни, (10 иш куни ёки 15 кун) муддатда жавоб хати тайёрланиши керак.

## 1.8. Мурожаатларни кўриб чиқиш учун вақтни тасдиқлаш

Уюшма девонхонасидан рўйхатдан ўтказгач, раҳбар резалюциясига асосан, ижрочи томонидан (агар аниқ муддат кўрсатилмаган бўлса) 15 кун муддатда ўрганиб чиқилади.
Аниқ муддат кўрсатилган мурожаатларда белгиланган вақтгача кўриб чиқилади ва натижаси муаллифга маълум қилинади.
Барча ишлар амалдаги қонунчиликка асосан олиб борилади.

# 2. Мурожаатлар

## 2.1. Мурожаатларнинг ҳажми ва таркиби

Фуқаролар Уюшманинг барча бошқарма ва бўлимларига тааллуқли йўналишлар бўйича мурожаат қилиши мумкин:
Уюшманинг электрон почта манзилига word, excel матн мухаррирлари ва pdf, jph бошқа турдаги алоқа хизматларидан фойдаланган ҳолда мурожаат қилиш мумкин

*Уюшма шахсан жавобгардир:*
*- мурожаатларни ўз вақтида ижросини таъминлашга*
*- давлат хизматини амалдаги қонунчилик асосида олиб боришга*
*- регламент талабларига мувофиқ иш олиб боришга*

## 2.2. Батафсил ҳабардор қилиш

Алоқа бўлими ҳамда расмий электрон почта орқали жавоб хати юборилади ва мурожаат юборган фуқаро ёки шахс ҳабардор этилади

Бундан ташқари, Уюшманинг расмий веб-сайти орқали ҳам ўзингизни қизиқтирган саволингизга жавоб олишингиз мумкин (www.uzsavdo.uz)

2.3 Мурожаатларни Уюшмага юбориш

- электрон почта орқали (ҳар куни 24 соат якшанбадан ташқари).
- алоқа бўлими (иш кунлари 9-00 дан 18-00 гача якшанбадан ташқари)
- факс (иш кунлари 9-00 дан 18-00 гача якшанбадан ташқари)
- шахсан (иш кунлари 9-00 дан 18-00 гача якшанбадан ташқари)девонхонага топширилади.

## 3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш кунлари 9-00 дан 18-00 гача, якшанба дам олиш кунидан ташқари, шахсан ёки алоқа воситалари орқали хизмат кўрсатилади.

3.2. Кутиш шартлари

Агар мурожаатда кўрсатиб ўтилган масала 15 кун муддатда кўриб чиқилиб яна қўшимча ўрганишни талаб этиладиган масалалар бўлган вақтда, яна 15 кун муддатга узайтирилади.

## 4. Амалга ошириладиган ишлар

4.1. Зарур ҳужжатлар

Уюшма номига келиб тушган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1994 йилдаги 1064-11-сон ҳамда 13.12.2002 йил 446-II-сонли Қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади.

4.2. Хизмат тўловлари

Амалга оширилаётган давлат хизматлари бепул

4.3. Давлат хизматини амалга ошириш босқичлари

- Фуқаро ёки шахс томонидан мурожаат юборилади;
-Уюшма девонхонасидан фуқаролар мурожаатлари, шикоятлар ва аризалар алоҳида журналда рўйхатдан ўтказилади;
- Раҳбар кўрсатмасига асосан ижрочига етказилади;
- Мурожаатда қайт этиб ўтилган масала бўйича муаллифгажавоб хати моҳиятига қараб 15 кун муддат ичида юборилади.

4.4. Рад этиш шартлари

Уюшма фаолиятига тааллуқли бўлмаган масала бўйича юборилган мурожаат 5 кунлик муддатда, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органига юборилади ҳамда фуқаро бу ҳақида хабардор этилади.

## 5. Сифатли ишлашини таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш

5.2. Такрорий мурожаат ижросини таъминлаш

Фуқаролар мурожаатлар, муддатларидан кечикиб ижро этиш, айникса такрорий мурожаатларга сабаб бўлган масъул ижрочиларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўриш белгилаб қўйилган.

# Давлат хизматини тақдим қилиш чизмаси




| | |
|---|---|
| **Узатиш ҳужжатларини** (Девонхона) веб-сайт... | Квадрат (тўғрибурчакли тўртбурчак) – қисмда, амалга ошираладиган ишлар кўрсатилган. Квадрат ичида нима ишлар амалга оширилиши ва жой номи кўрсатилган. |
| маълумот | Доира (овал) – қисмда мурожаатга асосан муносабатлар кўрсатиб ўтилган (мурожатга асосан жавоб хати, мурожаатни ижросиз қолдириш, қайта мурожаат ҳолатлари кўрсатиб ўтилган.) |
| ⟶ | Кўрсаткич – қисмлар ўртасидаги алоқа, хизматни амалга ошириш жараёнини кўрсатувчи белги. Қайсидир кўрсаткичларда оралиқ масофалар бўлиши мумкин |